

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2018
февраль

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

К.ШАҲОБОВ

Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романида ўтиш даврининг бадиий талқини 55

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, З.АБДУЛЛАЕВ

Турли тизимдаги тилларда антропонимларнинг шаклланиши ҳақида 58

Н.УМАРОВА

“Садди Искандарий” достонида денгиз сафарига доир “Ҳаракатлар стратегияси” ёхуд Навоийнинг орзулар кемаси концепти 61

З.АЛИМОВА

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Зубдат ут–таворих” асарида қўлланган форсий сўзлар хусусида 64

И. ДАРВИШОВ

Жануби-ғарбий Наманган ареали қипчоқ тип шевалари шохобчасининг фонетик-фонологик хусусиятлари 68

И.БАБАКУЛОВ

Рус ва ўзбек тилида сўзлашув тоифалари “қуроли”нинг семантикаси 72

Р.МАДЖИДОВА

Инсоннинг ижтимоий-лингвистик ва психоллингвистик хатти-ҳаракатида нутқ маданияти 76

Ш.СУЛТОНОВА

Темпораллик категориясининг лисоний-фалсафий тадқиқи хусусида 81

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ХАНКЕЛЬДИЕВ, Г.БАЙДАДАЕВА

Ёш ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш учун педагогик технологияларни модернизация қилиш 84

Э.МИРЗАЖОНОВА

Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ижтимоий-маданий мослашувининг самарадорлиги масалалари. 89

ИЛМИЙ АХБОРОТ

А.ЮСУПОВА, С.ЎКТАМОВ

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика дарсларида фанлараро алоқа 94

А.ИБРАГИМОВ, Р.КАРАБАЕВА

Аҳолини сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари 96

О. ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида исёнкорлик руҳи 99

С.ҚУРБОНОВА

Замонавий тилшуносликнинг баъзи масалаларига доир 102

У.ҚЎЗИЕВ

Янги изоҳли луғатлар тузишда сўзларни таснифлаш асослари ҳақида 104

М.МИРЗАЖАНОВ, Н.РАСУЛОВА

Мультимедиали ўқув-методик мажмуалар таълим жараёнини индивидуаллаштиришнинг асоси сифатида 107

Д.КАРИМОВ

Ёш гимнастикачиларни махсус-физикавий ва техникавий назоратга тайёрлаш 110

АДАБИЙ ТАҚВИМ

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР 113

ХОТИРА

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ 114

УДК: 8-1/-9

Ш.ХОЛМИРЗАЕВНИНГ “ДИНОЗАВР” РОМАНИДА ЎТИШ ДАВРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

К.Шаҳобов

Аннотация

Мақолада ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг “Динозавр” романида жамиятимиз тараққиётидаги ўтиш даврининг бадиий талқини тадқиқ этилган.

Аннотация

В статье рассматриваются особенности художественной интерпретации переходного периода в романе Шукура Халмирзаева “Динозавр”.

Annotation

The article deals with the features of the artistic interpretation of the transition period in the novel “Dinosaur” by Shukur Khalmirzaev.

Таянч сўз ва иборалар: роман, ўтиш даври, руҳият таҳлили, сюжет.

Ключевые слова и выражения: роман, переходный период, психологический анализ, сюжет.

Key words and expressions: Novel, the passing period, the analysis of spirit, portrayal.

Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярми ва 90-йиллари ёзувчи Шукур Холмирзаев ижодида алоҳида босқични ташкил этади. Шўро тузумининг емирилиши ҳамда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиш жараёни адиб учун муҳим бадиий тадқиқ манбаига айланди. Собиқ Иттифоқ даврида ижодкор сифатида шаклланган аксарият ёзувчилар ижод қилмай қўйган, давр ўзгаришларининг четдан кузатувчи томошабинига айланган, ҳаётни бадиий акс эттириш учун илгариги тайёр ижтимоий-фалсафий концепциядан айрилган ёзувчилар ўзларини боши берк кўчага кириб қолгандек ҳис қилаётган бир пайтда Ш.Холмирзаев чинакам реалист ёзувчи сифатида ҳаётни борича тасвирлаш, унинг моҳиятини англаш ва бадиий акс эттиришда давом этди. Адибнинг мазкур даврда яратилган қатор ҳикоялари (“Хорун ар-Рашид”, “Қиш ҳангомаси”, “Озодлик”, “Қуёш-ку, фалақда кезиб юрибди”, “Булут тўсган ой”) ҳамда “Олабўжи”, “Динозавр” романлари фикримизнинг далили бўла олади.

Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романи 1996 йилда “Ёшлик” журналида чоп этилган бўлиб, унда мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда кишилар дунёқараши ва руҳиятида кечган ўзгаришлар акс эттирилган. Романга Кантнинг “Қуёшнинг ботиши — чиқишидан далолат...” сўзлари эпиграф қилиб олинган. Журналда романнинг биринчи фасли берилган бўлиб, муаллиф унга “БИРИНЧИ ФАСЛ:

КУЗ” деб сарлавҳа қўйган. Асар эпиграфи ва фаслнинг сарлавҳаси орқали муаллиф жамиятдаги ўтиш даври қийинчиликлари ўткинчи бир давр эканига неқбинлик билан ишора қилади.

Шукур Холмирзаевнинг аввало моҳир ҳикоянавис эканлиги унинг “Динозавр” романи сюжетига таъсир этмай қолмаган. Романда худди ҳикоядаги каби сиқик вазият сюжет асосини ташкил этади. Роман сюжетини бош қаҳрамоннинг Тошкентдан қишлоққа келиши ва эртасига қайтишига қадар жуда қисқа вақт давомида рўй берган воқеалар қамраб олган..

Роман бош қаҳрамони — кинорежиссёр Маҳкам. Қаҳрамоннинг ижодкор зиёлилардан эканлиги муаллифга у орқали турли тоифа кишиларнинг жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларга мослашиш жараёни ҳақида фикр юритиш, мушоҳада қилиш имконини берган.

Тоғ йўлида қишлоғига кетатуриб, машинаси бузилиб қолган, шунинг учун хотини ва ўғли билан тоғда тунаб қолишга мажбур бўлган Маҳкам табиат қонунлари билан жамият қонунлари ўртасида уйқашликни кўради: “У — бошқа ҳаёт, — энди гўё ўзига-ўзи сўзлар эди, — энг ибтидоий қонунлар амалда бўлади... Да. Кучлилар ғолиб, кучсизлар мағлуб: бу ҳайвонотнинг яшаш қонуни... — Наҳотки шу қонунни бус-бутун инсониятга татбиқ этиб бўлса?”.

Маҳкам хотини ва ўғлини машинада

К.Шаҳобов – АнДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

қолдириб, совуқ ва ёввойи ҳайвонлардан сақланиш учун тунашга жой ахтариб тепага чиқиб кетади, у ердан ёшлигидан биладиган ғорни топади. Ғорда оиласининг хавфсизлиги ва қорнини тўйдириш учун барча тадбирларни қилган Маҳкам ўз ҳаёти ҳақидаги мушоҳадалар билан ҳам банд бўлади. Бу ўринларда ёзувчи Маҳкамга хос энг муҳим характер хусусиятларни чизиб улгуради. Маҳкам қийинчиликларда эсанкираб қолмайдиган, ҳар қандай вазиятда соғлом ақл билан иш тута оладиган, тадбирли ва қатъиятли йигит. Маҳкамнинг исми орқали ҳам ёзувчи унинг айна хусусиятларига — анча-мунча синов ва қийинчиликларда синиб қолмайдиган метин-мустаҳкамлигига ишора қилади. Асар бошланишида муаллиф ўз қаҳрамонига шундай таъриф беради: “Рулдаги йигитнинг билаклари пайдор, *нигоҳи ўтқир — ўзига инонган кишининг шиддати бор*, хумкалла, юзи хиёл чўзиқ бўлиб, қайрилма қошлари ярашиб турар, кўнғироқ сочларига оқ оралаган эди; тагин — бу йигитнинг сиймосида шаҳар киндигида ўсган зиёлининг шамойили бор, *унга бир қараган киши у билан ҳисоблашишга бир мажбурият сезарди*”. Қаҳрамон портрети ўз навбатида китобхонни кейинги воқеалар давомида Маҳкам феъл атвори, характер хусусиятларини тушуниш, қабул қилиш томон йўллайди.

Жамиятдаги ўзгаришларга мослашиш масаласида Маҳкамда бироз иккиланиш, зиддиятли ҳолатлар кузатилади. “Мустақиллик даври бошланди-ю, дунёқараш ҳам, фикрлар ҳам ўзгарди... Маҳкам бу ҳаёт тарзига мослаша олмас ва бунинг туб сабабларига ақли етмай изтироб чекарди.

Шу боис ўзини “кучсиз одамлар” тоифасига-да қўшар, бу ҳол унга тасалли ҳам берарди: “Ҳа, Чарльз Дарвин кучлилар янги шароитга мослашади!” деган”.

Одамларни, улар ичра ўзини ҳам таҳлил-тафтишдан ўтказар экан, Маҳкам ниҳоят керакли сўзни топади — “мослашиш”. Атрофидаги барча-барчада у мана шу ҳолни кўради: ҳаммада янги замонга мослашиш орқасида рўй берган туб ўзгаришлар — ташқию ички дунёсидаги эврилишлар Маҳкамни ўйлантиради. Роман давомида Маҳкамнинг ўй-мушоҳадалари марказидаги асосий тушунча ҳам “мослашиш” деган сўз бўлиб қолади. Тоғ йўлида тасодифан учрашиб қолган эски таниши, собиқ ижодкор, бизнесмен Жалололдиндан тортиб она қишлоғи Роботга

боргач суҳбатлашган кишилари — ҳамма-ҳаммада Маҳкам ана шу “мослашиш” масаласидаги ўзгаришларни кўриб-кузатиб, мулоҳаза юритишда давом этади.

Тоғ йўлидаги ва Робот қишлоғидаги икки кунлик вақт ичида муаллиф Маҳкамни жамиятнинг турли тоифасига мансуб кишилар билан учраштиришга улгуради: Амир Темур ҳақида фильм олинишини орзу қиладиган ва унга ҳомийлик қилишга тайёр бизнесмен Жалололдин, собиқ болалар шоири, эндиликда руҳоний ва ёзган шеърларини хато ҳисоблаётган Абзал ака, собиқ тарих ўқитувчиси, ҳозирда савдогар Тошмат Тойиров, укаси Адҳам кабиларнинг туриш-турмуши, ўзини тутишидаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб, таҳлил қилади. Маҳкам кинорежиссёр сифатида уларга худди яратилажак асарининг прототиплари каби қарай бошлайди.

Муаллиф персонажлар руҳияти таҳлиliga алоҳида диққат қаратади. Бунда персонаж юз ифодасидаги ўзгаришлар ва улар нутқи асосий восита бўлиб хизмат қилган. Хусусан, Маҳкамнинг дилида кўпдан бери йиғилиб келаётган изтироблар хотини билан суҳбатда бирдан юзага қалқиб чиқади: “Гапингизни таҳрир қилиб айтсам, мундоқ бўлади: умуман ҳаётдан, сизлардан, қолаверса, Аллоҳ берган умр деган неъмат оёқости бўлмаслиги учун, азбаройи ўзимдан уялишим учун яшаб юрибман... Тамом”.

Умуман олганда, муаллифнинг ғоявий-бадий концепциясини ифода этишда персонажлар ўртасидаги суҳбатлар, баҳс-мунозара романда муҳим функция бажарган. Албатта, бу нарса ҳар қандай ўтиш даври адабиёти учун қонуний ҳолдир. Бунинг яққол мисоли сифатида Европа маърифатчилик адабиёти (Руссо, “Рамо жиян” романи) ва ўзбек жадидчилик адабиётидаги бир қатор асарларни эслаш кифоя (А.Фитрат, “Мунозара”). Маҳкамнинг Абзал ака, Тошмат Тойиров, Жалололдин, хотини Шахло ва бошқа персонажлар билан суҳбатлари давомида давр ўзгаришларига турлича муносабат ва қарашлар, одамлар ўз руҳияти, танасида синаб кўраётган тажриба асосида чиқарилган хулосалар акс этган.

Бу борада Маҳкамнинг Тойиров билан мулоқоти алоҳида ўрин тутади. Маҳкам бир ўринда “Бизда ҳали савдогарчилик маданияти йўқ” дейди. Тошмат Тойиров янги замондаги савдогарларнинг бир вакили сифатида

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Маҳкамда зиддиятли муносабат уйғотади. Етмишга кирса ҳам тиниб-тинчимаган, шаҳарчада беш-олтита дўкон очиб тадбиркорлик қилаётган, қирқ йиллик турмуш ўртоғи билан ажрашиб, ёшгина аёлга уйланиб яшаётган бу мураккаб табиатли киши билан суҳбатда ҳам Маҳкам уни таҳлил қилишда давом этади: “Кейин муҳим бир нарса хаёлига келаётганию, тутқич бермаётганини пайқаб, уни излаштирар” экан, беихтиёр тилига келган “мослашиш” сўзи келди – бироқ уни “суриб ташлади”-ю, фикри очилиб кетди... Бу одам алоҳида бир воқеадир: бунга нисбатан “мослашув”ни қўллаш ҳам керак, албатта!

Бироқ бу одамда қандайдир катта қалбнинг нидолари ҳам бор эканки, унинг юзага чиқиши – янги ҳаёт тарзининг шарофатидан бошқа нарса эмас.

Ҳа, бу – Мустақиллик шарофати!

“Ҳе, Маҳкамбой, - деди ичида кулимсираб. – Одамларнинг бузилиб бораётгани ҳақида лоф урасан. Аммо бунақа “тузалиш”, балки “очилишлар” ҳам бор-ку!”. Кўринадики, адиб асарда ўтиш даврида кишилар феъл-атвори, дунёқарашидаги негатив жиҳатларни, янги шароитга мослашиш учун виждонни айланиб ўтишга ўрганган кишиларнигина тасвирлашни мақсад қилмаган. Янги шароитда яратилган имкониятлар туфайли потенциали очилган кишилар ҳам муаллиф учун бадиий тадқиқ материалга айланган. Айтиш мумкинки, “Динозавр” романида ҳам Шукур Холмирзаев маҳоратли ёзувчи сифатида кўзга ташланди, ўз услубига содиқ қолди, ҳаётни бор зиддиятларию, мураккабликлари билан тасвирлади.

Ш.Холмирзаев романнинг фақат биринчи қисминигина эълон қилди. Ушбу фаслнинг “Куз” деб номлангани, қаҳрамон ҳаётининг киши эндигона бошланаётгани келгусида Маҳкамнинг ҳаётида синов ва қийинчиликларнинг аксарияти ҳали олдинда эканига ишора қилади. Айтиш пайтда, романга қўйилган эпиграф кишида некбин бир умидворлик ҳам уйғотади: “Қуёшнинг ботиши – чиқишидан далолат...” Албатта, ёзувчининг некбинлиги шунчаки умидворликдангина иборат эмас, ҳаётнинг табиий ривожланиши, кишилараро муносабатлардаги ўзгаришларнинг мантиқий ривожини таҳлил қилиш орқали чиқарган бадиий умумлашмаси бўлиб, бу умумлашма хулоса асар бадиий тўқимасидан табиий равишда чиқиб келади.

Ш.Холмирзаевнинг “Қуёш-ку, фалақда кезиб юрибди”, “Булут тўсган ой” ҳикояларидаги воқеалар ёзувчи-персонаж тилидан ҳикоя қилинади. Адиб “Динозавр” романида ҳам шунга яқин бир усулни қўллайди. Гарчи асар муаллиф тилидан ҳикоя қилиб берилса-да, воқеалар бош қаҳрамон кинорежиссёр Маҳкам нигоҳи орқали тасвирлаб берилади. Бу усул ёзувчига ҳаётини кузатишларини борича романга олиб кириш имконини яратган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романи ўтиш даврини кенг кўламда инсон руҳияти призмасидан ўтказиб берувчи, воқеликни теран ва ҳаққоний акс эттирган асардир.

Адабиётлар:

1. Холмирзаев Ш. Динозавр // “Ёшлик” журнали. -1996 йил, 2-3-4-сонлар..
2. Холмирзаев Ш. Сайланма. Ҳикоялар. II жилд. – Т.: Шарқ, 2005.
3. Холмирзаева С. Қайтмас дамлар. – Тошкент, “Dizayn-Press” МЧЖ нашриёти, 2013.
4. Имомова Г. Руҳий изтироблар (Руҳият тасвирида диалог ва монолог) – Т.: Ёзувчи, 1992.
5. Тавалдиева Г. Шукур Холмирзаев ҳикояларида бадиий идрок этиш принциплари: филол. фан. номзоди... дис. – Т., 2001.

(Тақризчи: А. Сабирдинов, филология фанлари доктори).